

АХТАМ РЎЗИМУРОД

МЕНИ ЙЎҚЛАБ  
КЕЛГАН ФАРИШТА



**ЯНГИ АСР АВЛОДИ**

Тошкент  
2013

**УЎК: 821.512.133-1**

**КБК: 84(5Ў)7**

**Р-99**

**Рўзимурод, Ахтам**

Мени йўқлаб келган фаришта: шеърлар / А.Рўзимурод.  
– Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. – 64 б.

ISBN 978-9943-27-024-4

Шоирнинг шеърларида жуда ажойиб ташбеҳлар бор. Ўқиганингиз сари мисралардаги фикрларнинг теранлигига, ҳаққонийлигига гувоҳ бўласиз. Шу боис ижодкорнинг шеърлари юрагингизга ҳузур бағишлайди.

Шеър юракдан бошланади дейишади, жилғаланади, дарёларга бориб етади. Ўйлаймизки, ушбу тўплам дарёларга етиб боради, тўлқини қалбларга урилиб туради.

**УЎК: 821.512.133-1**

**КБК: 84(5Ў)7**

ISBN 978-9943-27-024-4

© Ахтам Рўзимурод, «Мени йўқлаб келган фаришта». «Янги аср авлоди», 2013 йил.

## УМР

*(Отамнинг хотирасига)*

Отам бетоб экан, онам айтдилар,  
Ҳалиги бедаво, қурғур касалдан.  
Тўғри тушунтирди хўрсиниб дўхтир:  
–Буёғи бизданмас, тақдир азалдан.

Бир қарашда ёлғон, бир қарашда рост,  
Ишониб, ишонмай кетасан одам.  
Қанчалар мард эди, қанчалар жасур,  
Ўлимдан ҳам зўрга ўхшарди отам.

Кимдир ачингандай, кимдир ачинди,  
Қавми–қариндошнинг йўқдир адоғи.  
Ҳол сўраб келганлар кирмасин, деди,  
Касал бўлганидан уялди чоғи.

Ҳаётни ковлайман, чиқмас хулоса,  
Бир томони сўлғин, бир ёни сўлим.  
Инсоннинг устидан кулгуми — қисмат?  
Сездирмай ичингда яшаркан ўлим.

Отам касал эди, шифтга термилиб,  
Неларнидир унсиз қиларди режа.  
Нигоҳи узилди, нафаси тинди,  
Кечанинг ярмида тугади кеча.

Аслида ҳисоби йўқдай умрнинг  
Бир кунин яшасанг, камаяр бир йил.  
Тамом шунча кечмиш, бир китоб умр,  
Сўнгида бўлди бир хулоса ҳосил.

Не бўлса, барин еб тугатар ҳаёт,  
Биз ҳам унга битта тортиқмиз, ота.  
Қувнаб яшадикми ёки қийналиб,  
Ҳаммамиз дунёда ортиқмиз, ота.  
*2011 йил*

## ҚАДРИЯТ

Юракка яқин, юракка туташ – бу йўл,  
Нур йўлидай равон, нур йўлидай бекам.  
Бобом қолдириб кетганлар йўлни бизга,  
Бобомга ҳам бобосидан мерос экан.

Бир замонлар жуда гавжум эди, дерлар,  
Аmmo бироз инсон юзин кўрмай қўйди.  
Бола эдик, сабаб бўлиб аллакимлар,  
Йўлимиздан одам сира юрмай қўйди.

Хазон босиб, тўсилди-ю, бузилмади,  
Бугун тонгда оғриқлардан покладим мен.  
Анчагина машаққатли бўлгани рост,  
Бир амаллаб бобом йўлин тикладим мен.  
*2003 йил*



## **АЙРИЛИҚ**

Дарё ўзи истамади,  
Келтирдилар қарорга.  
Қирқ йилдирки Амударё  
Оқмай қўйди Оролга.

Номи ўчсин айрилиқнинг,  
Орол қонлар ютармиш.  
Келарми деб суюклисин,  
Зор — интизор кутармиш.

Амударё эса келин,  
Олиб уйнинг тўрини.  
Суғорармиш жон қайлиғи  
Бухоронинг ерини.

Йиғлай-йиғлай қуриб қолган,  
Орол бағри – туз қиров.  
Унга ҳамма ачинару,  
Ёрдам беролмас биров.  
*2004 йил*



## ГҶЗАЛ

Бундай гўзалликнинг, бундай чиройнинг  
Таърифини топиш – эртақ, хом хаёл.  
Қийноқдан торайиб борар тасаввур,  
Шунчалар чиройли бўларми аёл?

Шунчалар гўзалки, йўқдай унга тенг,  
Тортади ҳар қандай мағрур назарни.  
Ўзи севишимни истагандан сўнг,  
Севмай бўладими шундай гўзални?  
*2002 йил*



### ЮЗ

Совуқ! Ҳатто хаёл музлайди.  
Кўчамизда тентирар сарсон.  
Қўлда қўлқоп, бошида қалпоқ,  
Оёғида этик бир инсон.

Кийим кийган қалин мўйнали,  
Йўталади бир-бирда пучуқ.  
Қаҳратондан ёпинган буткул,  
Фақатгина юзлари очиқ.

Жуда совуқ, қандай чидар юз?  
Борган сари чиройли, тўлин.  
Кузатаман ҳайратда, наҳот,  
Инсон юзи шунчалар қалин.  
*2002 йил*



## **ТАҲРИР**

Шеър ёзиб юбордим "тўқлик" ҳақида,  
Газетада роса қилибди таҳрир.  
Умумий фикрлар, умумий гаплар,  
Аниқлик етмайди, – дебди муҳаррир.

Аниқлик киритиб, "тўқ" ҳақда ёздим,  
Шеърим муҳаррирнинг ўпар пойини.  
Ўткирроқ мавзуни танласин, –дебди,  
Тешиб ўтсин экан теккан жойини.

Ўткирроқ бўлсин деб, "ўқ" ҳақда ёздим,  
Шеъримнинг кесилган бандлари оғрир.  
Қалтисроқ мавзуда ёзибди кескин,  
Бир қадар юмшатсин, – дебди муҳаррир.

Обдан тарошладим, юмшатдим обдан,  
Гарчи дард – бегона, фикрлар – ярим.  
Ниҳоят, муҳаррир розилик бериб,  
Газетада чиқди, "йўқ" бўлиб шеърим.  
*2012 йил*



## ПОЛАПОН

Муҳаббат бермаса оналик бекор,  
Дунё ўйинқароқ боладан-да шум.  
Ялқовлигиданми, какку деган қуш  
Чумчуқ уясига қўяркан тухум.

Биров индамаскан, биров гапирмас,  
Жўжа очар экан чумчуқ беҳабар.  
Ота чумчуқ фарзанд меҳридан алас,  
Какку боласига бўларкан падар.

Чумчуқ уясида туғилган гарчи,  
Танида ўзга қон қилар ғалаён.  
Чумчуқ тарбиясин олмасин қанча,  
Какку бўлар экан, ўсиб полапон.  
*2003 йил*



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/uz/asar/2265> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/2265> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию  
можно найти на сайте  
<https://kitobxon.com/ru/asar/2265>